

КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ ЯРАТИЛГАН НАВ ДУРАГАЙ ТИЗМАЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юсупов Насрилло Хабибилаевич

ORCID: 0009-0003-2972-4918

Сиддиқов Алишер Равшанбекович

мустақил изланувчи

ORCID: 0009-0006-5683-4700

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институт

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21254108>

Аннотация. Дунёда глобал иқлим ўзгариши жарёни ҳамда дунё аҳолисининг сони йилдан йилга ортиб бориши билан дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Ушбу мақолада кузги юмшоқ буғдойнинг назорат кўчатзорида ўрганилган 15 та нав ва дурагай тизмаларининг биометрик кўрсаткичларини таҳлиллари баён этилган.

Калит сўзлар: кўчатзор, кузги буғдой, нав, дурагай тизма, андоза, 1000 дон дон вазни, ҳосилдорлик.

Аннотация. В условиях глобального изменения климата и ежегодного роста численности населения мира постоянно увеличивается потребность в продовольствии. В данной статье представлены результаты анализа биометрических показателей 15 сортов и гибридных линий озимой мягкой пшеницы, изученных в контрольном питомнике.

Ключевые слова: питомник, мягкая озимая пшеница, сорт, гибридная линия, стандарт, масса 1000 зерен, урожайность.

Abstract. Global climate change and the continuous growth of the world's population are leading to an increasing demand for food worldwide. This article presents the results of an analysis of the biometric characteristics of 15 winter bread wheat varieties and hybrid lines evaluated in the control nursery.

Keywords: nursery, winter wheat, variety, hybrid line, standard, 1000 seeds weight, grain yield.

Кириш. Буғдой инсоният учун энг муҳим экинлардан биридир, чунки у бутун дунё бўйлаб кўплаб парҳезларнинг асосий қисмидир. Дунё статистик маълумотларига кўра 2025 йилда дунё бўйича 809,7 млн тонна буғдой етиштирилиб етиштирилиб, шундан энг кўп буғдой етиштирган 10 та давлатлардан Хитой бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ 140,1 млн тонна буғдой етиштиради, ундан кейин Ҳиндистон (117,5 млн.тн), Россия (85,0 млн. тн), АҚШ (53,7 млн.тн), Франция (34,0 млн. тн), Канада (35,0 млн. тн), Австралия (32,0 млн.тн), Покистон (31,6 млн.тн), Украина (26,8 млн. тн), Германия (23,0 млн. тн) етиштириб келмоқда¹.

Дунёда кечаётган глобал иқлим ўзгариш даврида катта хажмда кишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотларини еиштирувчи давлатларда ҳосилдорликни камайиши ва аҳолини кун сайин ўсиб бориши дунё иқтисодиётининг глобал инқроз ёқасига олиб келиши халқаро экспертлар томонидан ташвишли баҳоланмоқда. Бу вазиятда озиқ-овқат таъминоти масаласи кучайиб, айрим давлатлар ўзи етиштириган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини четга чиқармаслик чораларини кўрмоқда.

¹ <https://ukragroconsult.com/en/news/top-10-wheat-producing-countries-in-the-world-2025/>

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бугунги кунда энг долзарб масалага айланиб борапти. Республикамиз аҳолиси кун сайин ортиб бориши баробарида дон маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Шунинг учун Республикамизнинг суғориладиган майдонларида турли тупроқ иқлим шароитларига мос, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Materiallar va uslublar Тажрибани олиб боришда Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.[2], Дон экинларида тажрибалар ўтказиш бўйича услубий қўлланма. [3]., Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. [4]., “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” [5] қўлланмалари қўлланмалардан фойдаланилди.

Natijalar va munozara. Институтда 2017-2018 йил давомида ташкил этилган назорат кўчатзорида 15 та янги нав ва дурагай тизмаларда ўсимлик бўйи кўрсаткичи таҳлил қилинганда андоза Чиллаки навида 88,0 см, Уманка навида 98,6 см, ни маҳаллий шароитда дурагайлаш натижасида яратилган АС-2006-Д9 дурагай линиянинг бўйи юқори бўлиб 100,3 см ни ташкил этиб, танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** линиясида эса 88,3 см. ни ўрта бўйли эканлиги, тажрибада ўрганилган бошқа линияларда бу кўрсаткич 86,0-98,3 см. оралиғида бўлганлиги таҳлил натижаларида аниқланди.

Назорат кўчатзори бошоқ узунлиги андоза Чиллаки навида 8,4 см, Уманка навида 8,7 см, ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичлар танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 11,3 см, КН-4035 дурагай тизмасида 11,0 см, КН-446, КН-2896, КН-3044, АС-2006-С-107-2, АС- 2011-Д2 дурагай тизмасларида бошоқ узунлиги 10,5-10,7 см, ташкил этди. Тажрибада ўрганилган бошқа дурагай тизмалар бошоқ узунлиги 7,5-10,0 см ташкил этди.

Битта бошоқчадаги бошоқчалар сони таҳлил қилинганда андоза Чиллаки навида ўртача 16,7 дона, Уманка навида 17,5 данани ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 21,7 дона, КН-2896 дурагай тизмасида 20,3 дона, АС-2006-С107-2 дурагай тизмасида 20,0 дона, КН-4035, АС-2006-Д9 дурагай тизмаларида 19,7 донани ташкил этди. Тажрибада ўрганилган.

1-Жадвал

Кузги юмшоқ буғдойнинг назорат нав синаш кўчатзорида нав ва дурагай тизмаларнинг биометрик кўрсаткичлари.(2018-2019.й.й)

№	Нав ва линиялар номи	Ўсимлик бўйи. см.	Бошоқ узунлиги. см.	1 та бошоқдаги бошоқчалар сони. дона	1 та бошоқдаги дон сони. дона	1 та бошоқдаги дон вазни. гр	1 м ² майдонда маҳсулдор поялар сони	1000 дона дон вазни. гр	Ҳосилдорлик, ц/га
1	Чиллаки s t	88,0	8,4	16,7	35,2	1,5	401	43,6	60,2
2	Уманка s t	98,6	8,7	17,5	36,0	1,7	400	43,4	68,0
3	КН-5126 Оқ-ёр	88,3	11,3	21,7	44,6	1,9	411	46,4	78,1
4	КН-2896	89,3	10,5	20,3	36,0	1,7	410	44,2	69,7

5	КН-4035	86,6	11,0	19,7	37,6	1,8	409	48,2	73,6
6	КН-3044	87,8	10,5	18,5	38,2	1,7	410	43,8	69,7
7	КН-446	98,3	10,7	19,7	37,0	1,5	408	44,4	61,2
8	АС-2011-Д8	91,6	7,5	16,3	38,3	1,5	407	40,3	61,1
9	АС-2011-Д18	87,0	9,6	18,3	40,0	1,7	410	43,8	69,7
10	АС-2006-Д9	100,3	10,0	19,7	40,3	1,6	408	42,6	65,3
11	АС-2006-С107-2	90,3	10,7	20,0	43,9	1,5	410	43,8	61,5
12	АС-2011-Д1	86,0	9,0	18,5	42,0	1,6	409	42,1	65,4
13	АС-2011-Д2	85,6	10,5	17,3	43,0	1,5	408	44,6	61,2
14	АС-2011-Д5	78,6	8,5	15,3	34,3	1,5	405	44,0	60,8
15	АС-2011-Д7	91,2	8,7	18,7	41,0	1,3	402	41,0	52,3

бошқа дурагай тизмаларда битта бошоқдаги бошоқчалар сони ўртача 15,3-18,7 донани ташкил этди.

Назорат кўчатзорида битта бошоқдаги дон сони тахлил қилинганда андоза Чиллаки навида 35,2, Уманка навида 36,0 донани ташкил этиб, энг юқори кўрсаткич танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 44,6 донани ташкил этди. Тажрибада ўрганилган АС-2011-Д18, АС-2006-Д9, АС-2006-С107-2, АС-2011-Д1, АС-2011-Д2, АС-2011-Д7 дурагай тизмаларида эса 40,0-43,9 донани ташкил этганлиги тахлил натижаларида аниқланди.

Битта бошоқдаги дон вазни энг юқори кўрсаткич танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 1,9 гр., КН-4035 дурагай тизмасида 1,8 гр., андоза Уманка навида ва КН-2896, КН-3044, АС-2011-Д18 дурагай тизмаларида 1,7 гр, КН-446, АС-2011-Д8, АС-2006-Д9, АС-2006-С107-2, АС-2011-Д1, АС-2011-Д2, АС-2011-Д5, АС-2011-Д7 дурагай тизмаларида эса 1,5-1,6 гр. ни ташкил этганлиги аниқланди.

Бир метр квадрат майдонда махсулдор бошоқларни шакилланиши нав ва дурагай тизмаларда туплаш коффициенти юқорилигига боғлиқ бўлиб, кўчатзорда ушбу кўрсаткич тахлил қилинганда дурагай тизмаларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари энг юқори кўрсаткич танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 411 дон, КН-2896, КН-3044, АС-2011-Д18, АС-2006-С107-2 дурагай тизмалари 410 дон махсулдор поялар шакиланганли аниқланди. Тажрибада ўрганилган бошқа нав ва дурагай тизмаларда махсулдор поялар сони ўртача 402-409 дон ташкил этганлиги кузатув натижаларида аниқланди.

Лаборатория шароитида линияларнинг махсулдорлик кўрсаткичлардан асосий хар бир линиянинг 1000 дон дон вазни тахлил қилинганда энг юқори кўрсаткичлар қуйдаги танланлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида 46,2 гр., КН-4035 дурагай тизмасида 46,2 гр, АС-2011-Д2 дурагай тизмасида 44,6 гр., КН-446 дурагай тизмасида 44,4 гр., КН-2896 дурагай тизмасида 44,2 гр ни ташкил этганлиги аниқланди.

Тажрибамизда энг юқори хосилдорлик кўрсаткичлар танлаб олинган **КН-5126 (Оқ-ёр)** дурагай тизмасида гектаридаг 78,1 центнер, КН-4035 дурагай тизмасида 73.6

центнер, КН-2896 ҳамда АС-2011-Д18 дурагай тизмаларида эса гектаридан 69.7 центнер ташкил этиб, назорат навларига нисбатан 9.5-17.9 центнер юқори дон ҳосили олинганлиги аниқланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкилаш мумкинки кўчатзор коллекция кўчатзорида ўрганилган нав ва намуналардан танлаб олинган КН-5126 (Оқ-ёр) дурагай тизмаси андоза Чиллаки ва Уманка навларидан ҳамда бошқа дурагай тизмалар ҳосилдорлик ҳамда биометрик кўсаткичлар юқорилигини намоён қилди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.2021 йилдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009-сон қарори.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари ЎзПИТИ.Тошкент-2007. Б. 61
3. Дон экинларида тажрибалар ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент., 2025 йил Б.131
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта – Москва: Колос, 1985. С.260.
5. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”.М.Колос.1964.
6. Сиддиқов Р.И “Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясининг илмий-амалий асослари ”. Монография Тошкент.2015 йил., “Фан” нашриёти, Б.219.
7. <https://ukragroconsult.com/en/news/top-10-wheat-producing-countries-in-the-world-2025/>